Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 13 октябрь ● сешанба ● № 43 (660) ● e-mail: info@press-iq.uz ● www.minjust.uz

Сайлов ва сайловчи

Республикамиз сайлов қонунчилиги

халқаро андазаларга мос

— Айтинг-чи, хорижий давлатларда сайлов ҳуқуқидан кимлар фойдалана олмайди?

Л.НЕЪМАТОВ,
Жиззах вилояти

— Демократик давлатларда сайлов ҳуқуқига жинсидан, ирқидан, миллатидан, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, 18 ёшга тўлган барча фуқаролар эга. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлар, шунингдек, суд ҳукми бўйича озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар сайлов ҳуқуқидан фойдаланмайдилар.

— Хорижий мамлакатларда сайлов кампаниясининг молиявий таъминланиши хусусида маълумот берсангиз.

К.АКРОМОВА,
Хоразм вилояти

— Республикамизда бўлгани сингари аксарият хорижий мамлакатларда ҳам сайлов кампаниясини давлат томонидан молиявий таъминлаш томойилига амал қилинади. Аниқроқ айтганда, давлат сайлов кампанияси билан боғлиқ сарф-харажатларни ўз зиммасига олади. Шунингдек, бу жараёнда сиёсий партиялар, корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқаролар ихтиёрий равишда ўз маблағлари билан иштирок этишлари мумкин. Ушбу маблағлар махсус орган томонидан қабул қилиниб, сайловда иштирок этаётган номзодлар учун тенг тақсим қилинади.

Суд қарорини ёзган судья

имло хатоларига йўл қўйса, уни ўқиганлар нима дейди?

2

2009 йил – «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»

2009 йил 26 январь

Президентимизнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори кучга кирди.

2008 йил 12 июнь

Президентимизнинг "Қишлоқ туманлари ва шаҳарлари аҳолисини сифатли ичимлик сув билан таъминлашни янада яхшилаш ва табиий газдан тежамли фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори кучга кирди.

2009 йил 3 август

Президентимизнинг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди.

Тизим тадбирлари

Сайлов — демократия кўзгуси

МАЪЛУМКИ, жорий йил охирида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига сайловлар бўлиб ўтади. 2008 йилнинг 25 декабрида "Сайлов тўғрисида"ги Қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни қабул қилинди.

НАТИЖАДА сайловлар билан боғлиқ 12 та қонунга қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Бешариқ тумани ФҲДЁ бўлими ташаббуси билан Бешариқ КФЙда сайловга оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятига бағишлаб ўтказилган йиғилишда ана шулар хусусида фикр юритилди.

Хосиятхон МАМАЖОНОВА,
Бешариқ тумани ФҲДЁ бўлими мудири

Тушунтириш берилди

ТОШКЕНТ шаҳар адлия бошқармасида никоҳни қайд этиш амалиётини ўрганиш юзасидан семинар-машғулот ўтказилди.

ТАДБИРДА адлия бошқармаси қонун ҳужжатларини туркумлаш бўлими томонидан **"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"**ги Қонун, **"Ўзбекистон Республикасининг адлия органлари ва муассасаларида қонун ҳужжатларини ҳисобга олиш ва туркумлаш қоидалари"**да белгиланган талаблар, жумладан, қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисоби юритилишини тўғри йўлга қўйиш, қонун ҳужжатларини тизимли сақлаш ва фойдаланишда қулайлик яратиш мақсадида классификатор бўйича кодлаштириш амалиётининг йўлга қўйилиши, мазкур масалаларда вужудга келаётган муаммоларни ҳал қилиш йўл-йўриқлари ҳақида йиғилганларга атрофлича тушунтириш берилди.

Феруза КУРГАНОВА,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими

Ўзаро фикр алмашилди

ЯҚИНДА Бухоро вилояти адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан Шофиркон туманида ташкил этилган "Одам савдоси — умумбашарий хавф" мавзуидаги давра суҳбатида одам савдосининг умуминсоний қадриятларга, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдид солувчи жиноий қилмиш эканлиги қайд қилинди.

АДЛИЯ вазирлиги томонидан тасдиқланган режага мувофиқ ўтказилган мазкур давра суҳбатида одам савдосига қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари, вилоятда ушбу жиноятга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар, одам савдоси жинояти учун жазонинг муқаррарлигини таъминлашда судлов амалиёти хусусида фикр алмашилди.

Қизғин мулоқот, ишчанлик руҳида ўтган давра суҳбати якунида одам савдоси жинояти бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш юзасидан ҳамкорликда қилинадиган ишлар келишиб олинди.

Шерзод БАҲРОНОВ,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими

Вақт чархпалаги

ВАҚТ — олий ҳакам! Қувонч ҳам, қайғу ҳам — инсон тақдиридаги барча тафсилотлар ана шу чархи дун чиғиригида айланади. Бугун — эртани кутиб олиш учун қилинган ҳозирлик. Демак, ҳар бир воқеликнинг тамал тоши бугундан бошланади. Бугун ҳаракат, эртанги кун эса умид, орзу-ният, истак, интилишлар манзили. Истиқлол берган имконият туфайли юртимизда эртанги кун осойишталиги, халқимиз турмуш тарзи фаровонлиги йўлида деярли ҳар куни эзгу ишларга қўл урилмоқда. Тараққиёт тамал тошлари қўйилмоқда.

Бундан ташқари, "Вақт чархпалаги" янги рукнида юртдошларимиз ҳаётига таалуқли воқеликларга эътибор қаратилади. Бир сўз билан айтганда, газетхоннинг яна бир минбари — "Вақт чархпалаги"да ҳаёт қувончлари ва ташвишлари айланади.

Таҳририят

Хусуматга ўрин қолмади

ФУҚАРО Муяссар Жуманиёзова билан ўртамизда юзага келган хусумат судга етмаёқ барҳам топди. Бир-бировимизга бўлган хусумат ўрнини дўстлик туйғулари эгаллади. Бу воқеа **"Инсон ва қонун"** газетасининг Хоразм вилояти мухбирининг саъй-ҳаракатлари туфайли рўй берди. Мухбир Абдулла ака Собиров инсонийлик талаби ва тақозолари, фарз ва қарзларини ҳар биримизга самимият билан тушунтирди. Араз ва ғаразни ўзаро дўстликка айлантириб берган таҳририятингиз ижодкорларига оиламиз номидан самимий миннатдорчилик изҳор этамиз.

Саодат РАЖАБОВА,
Янгиариқ тумани Каттақўрғон қишлоғи

Гувоҳнома олдим

БЕФАРҚЛИГИМ туфайли туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномамни йўқотиб қўйгандим. Паспорт олишим керак, лекин... Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун эса масъул ташкилотга бир неча бор мурожаат этдим. Натижа бўлмади.

"Инсон ва қонун" газетасига ёрдам сўраб, ариза ёздим. Ишим ижобий томонга ҳал бўлди. Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномамни олдим. Шунга асосан туман ИИБдагилар ҳам паспорт беришадиган бўлишди. Миннатдорман.

Маҳамматали БАРАТОВ,
Андижон вилояти, Асака тумани "Мустаҳкам" ҚФЙ

Пахта ярмаркаси!

Тайёргарлик қизғин

ЖАҲОН пахта бозорида муҳим иқтисодий воқеа ҳисобланмиш анъанавий Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг миқёсли иқтисодий ислоҳотлар самарасида Ўзбекистоннинг жаҳон пахта бозорида нуфузи тобора ошиб бораётганидан далолатдир. Ярмарка қатнашчилари ўзбек пахтасининг юқори сифатини таъминловчи омиллар билан танишадилар.

ЎзА мухбири Ирода УМАРОВАнинг таъкидлашича, жаҳон пахтачилик саноатида муҳим воқеа ҳисобланадиган ушбу нуфузли тадбирни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ва тезкорлик билан ёритиш учун матбуот маркази ташкил этилади.

Ярмарка доирасида «Ўзэкспомарказ»да очиладиган селекция навлари кўргазмасида меҳмонлар жорий йил ҳосилининг илк намуналари билан ҳам танишадилар. "Ўзпахтасаноат" уюшмаси "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази билан ҳамкорликда ярмарка иштирокчиларига олий сифатли ўзбек пахтаси намуналарини намойиш этади.

Текшириш ўтказилди

"ТОШКЕНТПАХТАСАНОАТ" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси томонидан Тошкент вилояти, "Пскент пахта тозалаш" очиқ ҳиссадорлик жамияти бир гуруҳ ходимларининг **"Инсон ва қонун"** газетасига ёзган шикоят аризаси ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижасида "Пскент пахта тозалаш" очиқ ҳиссадорлик жамияти раиси Ш.Эшқувватов ишда йўл қўйган хато ва камчиликлари учун эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Шунингдек, жамият раисининг ўринбосари Ш.Бўтаев ва меҳнатга ҳақ тўлаш мутахассиси Г.Содиқоваларга ишдаги камчиликлари кўрсатиб ўтилиб, келгусида бундай ҳолатларнинг такрорланиши уларга нисбатан меҳнат шартномасини бекор қилишгача бўлган интизомий жазо қўлланиши тўғрисида огоҳлантирилганлигини **"Ўзпахтасаноат" уюшмаси бошқаруви раиси ўринбосари М.БОБОЖОНОВ** маълум қилади.

Тотувлик, соғлом муҳит керак...



ДАВЛАТИМИЗ раҳбарининг шу йил 13 апрелда қабул қилинган **"Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Қарори ижроси доирасида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Жиззах вилояти бўлими фаоллари иштирокида туманларда тиббиёт ходимларининг ёш оилалар билан давра суҳбатлари ўтказилаётир, — деб хабар берди **ЎзА мухбири Т. БЕКНАЗАРОВ.**

Бу эса ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, оилада тотувлик ва соғлом муҳит яратишда муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқда янги уйлар

ЎзА МУХБИРИ Х.Маматрайимовнинг хабарига кўра, Президентимизнинг шу йил 3 августда қабул қилинган **"Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Қарори ижроси доирасида Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги "Ғур-ғур" маҳалласида намунавий турар-жойлар қуриш мўлжалланмоқда.

"Қишлоққурилишлойиҳа" институтининг замонавий лойиҳаси асосида барпо этиладиган янги уйлар учун белгиланган тартибда ер майдони ажратилди. Янги турар-жойлар барча қулайликларга эга бўлиб, тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминланади, канализация тармоқлари ўтказилади.

— Янги уйлар барпо этилаётган ҳудуднинг сейсмик ҳолати, иқлим шароити атрофлича ўрганилди, — дейди Жарқўрғон тумани бош архитектори Абдуғани Холмирзаев.

Талқин

Моддий зарар қопланади, маънавий зарар-чи?

Маънавий зарар миқдорини аниқлашда жабрланувчининг хусусиятлари ҳисобга олинадими?

МАЪНАВИЙ зарарни қоплашнинг миқдорини аниқлаш бугунги кунда ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчилар ўртасида баҳс-мунозарага сабаб бўладиган муаммолардан бири сифатида юзага келмоқда.

УШБУ масалага мутахассислар томонидан турлича ёндашиш мавжуд.

Биринчи ёндашув. Зарарни қоплашнинг миқдорини аниқлашда жабрланувчининг шахсий хусусиятлари эътиборга олинмаслиги лозим, деб ҳисоблайдиган айрим мутахассислар фикрича, шахснинг индивидуал қизиқишлари, ҳис-туйғулари, ишчанлик қобилияти, жисмоний меҳнатдаги лаёқатига, жинси ва шу каби бошқа хусусиятларига боғлиқ бўлмаслиги керак. Бундай тарзда фикрловчилар маънавий зарарнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмай уни амалда моддий зарар билан тенглаштирадилар.

Бунда ҳар бир шахсни бирхиллаштириш тамойили етакчи бўлиб ҳисобланади.

Дейлик, муҳокама объекти учун иккита: жисмоний ва ақлий меҳнат қиладиган инсонларни танладик. Улардан бири бокс устаси, иккинчиси шоир.

Вазиятни тасаввур қилиб кўрсак. Қўшниси билан келиб чиққан жанжал туфайли уларнинг иккиси ҳам енгил даражадаги тан жароҳати олди. Ким кўпроқ маънавий зарар кўради? Бокс устаси ҳаёти давомида оладиган енгил даражадаги тан жароҳатларига руҳан тайёргарлиги даражаси ва сони шоирники билан таққосланганда жуда катта фарқни келтириб чиқариши табиий, албатта.

Иккинчи ёндашув. Зарарни қоплашнинг миқдорини аниқлашда жабрланувчининг шахсий хусусиятлари эътиборга олиниши лозим, деб ҳисоблайдиган айрим мутахассислар фикрича, шахснинг индивидуал қизиқишлари, ҳис туйғулари, ишчанлик қобилияти, жисмоний меҳнатдаги лаёқатига, жинси ва шу каби бошқа хусусиятларига боғлиқ бўлиши лозим.

Бунда шахснинг ёши, жинси, келиб чиқиши, жамиятдаги ўрни, ишчанлик обрўси ҳисобга олиниши, жисмоний ёки маънавий жиҳатдан азобланиши

оқибатида юзага келадиган маънавий зарарнинг миқдори юқоридаги фактлардан келиб чиқиши лозим деб ҳисобланади. Бу йўналиш тарафдорларида дифференциялашув тамойили етакчилик қилади.

Дейлик, муҳокама объекти учун иккита: 6 ёшли қизча ва 40 ёшли аёлни танладик. Вазиятни тасаввур қилиб кўрсак. Ерости йўлидаги бозорларнинг ваҳимали шовқини туфайли уларнинг иккаласи ҳам беҳуш ҳолатга келади. Ким кўпроқ маънавий зарар кўради? Албатта, бу каби ҳолатларга тайёргарлик даражаси ва кейинчалик бу ваҳимани енгиб ўтишида ёш фактори муҳим роль ўйнайди.

Бизнинг фикримизча, иккинчи ёндашув ўринлидир.

Маънавий зарарни қоплаш нуқтаи назаридан шахснинг руҳий кечинмаларини, азоб чекишини бир хилда баҳолаш ноўриндир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддасида зарар етказилганлик учун жавобгарликнинг умумий асослари белгилаб қўйилган. Демак, маънавий зарарни қоплаш учун ундириладиган пул суммасининг миқдори жисмоний ёки маънавий азобланишнинг характерига мос, яъни тўғри пропорционал бўлиши керак. Азобланишнинг характери эса, юқорида таъкидланганидек, кўп жиҳатдан жабрланувчининг шахсий хусусиятларига боғлиқ. Бинобарин, маънавий зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда жабрланувчининг шахсий хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш суд зиммасига (ФК 1022-модда, 3-қисм) асосли равишда юкланган.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1000-моддасига асосан, бир неча шахснинг биргаликдаги ҳаракатлари туфайли маънавий зарар етказилган ҳолларда жабрланувчи уни етказганларнинг ҳаммасидан шериклик тарзида ёки ҳар биридан алоҳида тарзда ҳам ундириш ҳуқуқига эга.

Музаффар СОЛИЕВ,
ҳуқуқшунос

Оила қонунчилиги

ОИЛАВИЙ муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги тамойиллари асосида амалга оширилади.

Ихтиёрий иттифоқ

шартномада ўз ифодасини топса...



НИКОҲНИНГ расмий қайд этилиши унда иштирок этаётган йигит ва қизнинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқларини юзага келтиради. Оила қураётган бугунги ёшлар орасида бу жараёнгача тадбиркорлик қобилияти ёки интеллектуал салоҳияти билан ўзини молиявий жиҳатдан мустаҳкамлаганлари кўпчиликни ташкил этади. Эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек, улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошқа битимлар асосида олган мол-мулки улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади.

Эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки эса уларнинг никоҳ давомида орттирган, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар умумий маблағлари ҳисобига олинган буюм ёки бошқа нарсалари бўлиши мумкин.

Мулкий муаммоларни ҳал этишда Оила кодексининг 27-модасига биноан эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш эр ва хотиндан бирининг талабига кўра, улар никоҳда бўлган даврда ҳам, никоҳдан ажралишгандан кейин ҳам, авваламбор эр ва хотиннинг умумий мол-мулки улар ўртасида ўзаро келишув асосида бўлиб олиниши мумкин. Эр ва хотиннинг хоҳиши билан уларнинг умумий мол-мулкини бўлиш тўғрисидаги бу келишув, яъни никоҳ шартномаси, албатта, нотариал тартибда тасдиқланиши лозим. Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, бўлғуси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин.

Буларнинг барчаси никоҳ шартномасида акс эттирилса, оила аъзоларининг мулкий ҳуқуқлари таъминланиб, ўзаро келишмовчиликларнинг олди олинади. Бироқ айрим шахслар никоҳ шартномаси оддий ҳуқуқий ҳужжатлигини, оиладагилар бир-бирларини тушуниб, бахтли яшашларига мутлақо салбий таъсир кўрсатмаслигини яхши тушунмайди.

Аммо турмуш чорраҳаларида нималар содир бўлмайди. Оила бузилиб, фарзандлари билан уй-жойсиз ёки умуман ҳеч қандай мулксиз қолган аёллар йўқ, деб бўлмайди. Никоҳ шартномаси, аввало, шундай аянчли ҳолларга йўл қўйилмаслигини назарда тутади.

Бундан ташқари, никоҳ шартномаси эр-хотиннинг ҳуқуқ лаёқати ёки муомала лаёқатини, уларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқларини чеклашни, эр-хотин ўртасидаги шахсий номулкий муносабатларни, эр-хотиннинг болаларга нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солишни, меҳнатга лаёқатсиз, таъминот олишга муҳтож эр ёки хотиннинг ҳуқуқини чекловчи қоидаларни, эр ва хотиндан бирини ўта ноқулай ҳолатга солиб қўювчи ёхуд оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормаларига зид келувчи бошқа шартларни назарда тута олмайди.

Шаҳло ИСМОИЛОВА,
Самарқанд шаҳар давлат нотариал идорасининг нотариуси

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Қонунлар тарғиботи

алоҳида эътибордаги масала

ҚОНУНЛАР тарғиботи ҳақида гап кетганда ҳамманинг кўз олдига оммавий ахборот воситалари келиши табиий. Негаки, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, қонунлару ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни, уларнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага тарғиб қилишда айнан оммавий ахборот воситаларининг роли катта. Демак, бу борада депутатлар, ҳуқуқшунослар ва бошқа мутахассислар билан бирга журналистлардан ҳам катта масъулият талаб қилинади.



ОЛИЙ МАЖЛИС Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган семинар айнан қонунлар тарғиботи масаласига бағишланди. Сўзга чиққанлар **"Ўзбекистон Республикаси қонунларини ОАВда тарғиб қилиш масалалари"** мавзуси юзасидан чуқур таҳлилий ва танқидий фикрлар билдиришди.

Жумладан, Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари Хуршид Дўстмуҳаммаднинг фикрларига қараганда, аввало қонунни яратишнинг ўзи ўта машаққатли иш, уни палатада қабул қилиш ҳам шунчаки юмуш эмас, чуқур мулоҳаза, теран таҳлил талаб қилинади. Сўнг Сенатга чиқариш ва сенаторлар маъқуллаши лозим. Ундан кейин эса Президент тасдиғидан ўтиши керак. Тайёрланган ҳар бир қонун лойиҳаси шунча "чиғириқ"дан ўтиши учун қанчалик кенг мушоҳада, зукко дунёқараш, теран ҳуқуқий билим ҳар бир депутат учун заруратга айланишини тушуниш қийин эмас.

Қонун қабул қилинганидан кейин ҳам депутатларнинг ва сенаторларнинг енгил тин олишга фурсати йўқ. Улар олдида янада машаққатли вазифа кўндаланг туради: қонунни тарғиб қилиш. Қонунлар кенг халқ оммаси томонидан эътироф этилиб, дилдан тушуниб етсагина яхши иш беради. Акс ҳолда қонун қоғозда қолиб кетаверади. Шундай бўлмаслиги учун ҳам тарғибот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Депутат, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Раъно Зарипованинг қайд этишича, ўтган 4,5 йилда Қонунчилик палатасига 278 та қонун лойиҳаси келиб тушган бўлса, шундан 213 таси Сенат томонидан маъқулланиб, Президент тасдиғидан ўтган ва матбуотда эълон қилинган. Палата 227 та назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширган, жамоатчилик билан 592 та учрашув-тадбири ўтказган. Шунинг 94 таси конференция, 209 таси семинар, 289 таси давра суҳбати шаклида ўтказилди. Депутатлар ўз сайловчилари билан 12501 марта учрашув уюштирди. Буларнинг барчасида қонунлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, тушунтириш депутатлар диққат марказида бўлди. Бундан ташқари, ОАВда депутатларнинг бир қанча чиқишлари уюштирилди, журналистлар, ҳуқуқшунослар қонунларни шарҳладилар, таҳлил қилдилар.

Аммо бу ишлардан қониқиш ҳосил қилиб бўлмайди.

Семинарда сўзга чиққанлар журналистларимиз қонунчилик фаолиятини ёритишда асосан хабар, интервью, депутатнинг чиқишини уюштиришдан нарига ўтмаётганини алоҳида таъкидладилар. Жанрлар хилма-хиллигини таъминлаш, қонунларнинг мазмун-моҳиятини янада кенгроқ очишга қаратилган таҳлилий мақолалар камлигини эътиборга олишлари керак. Шунингдек, мақолаларда журналист нуқтаи назари ҳамиша кўринавермайди. Демак, Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Абдулла Тўхташевнинг айтганидек, депутат ва журналистнинг ўзаро ҳамкорлиги чуқур илдиз отмаган. Шунинг учун ҳам семинар якунида Қонунчилик палатаси ва журналистлар ҳамкорлигини янада кучайтириш ҳамда мустаҳкамлаш юзасидан келишиб олинди.

Алимқул СУЛТОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Муносабат

Суд қарорини ёзган судья

имло хатоларига йўл қўйса, уни ўқиганлар нима дейди?



Маълумки, суд органлари, шу жумладан, хўжалик судлари давлат ҳокимияти органи сифатида барча учун мажбурий бўлган суд ҳужжатлари қабул қилади. Конституциямизнинг 114-моддасида "Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир" деб белгилаб қўйилган бўлиб, бу қоида, аввало, суд ҳужжатлари давлат номидан чиқарилиши ва иккинчидан, шу муносабат билан уни қабул қилувчилар зиммасига ниҳоятда катта масъулият ҳамда жавобгарлик юклатилганлигини билдиради. Зеро, суд ҳужжатлари давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий акти сифатида низоли масалаларни давлат номидан ҳал этиш билан биргаликда жамиятда суд обрўсини оширишга ҳам хизмат қилади.

РЕСПУБЛИКАМИЗ хўжалик суди тизимида салкам 35 йил меҳнат қилган оддий судья сифатида бир нарсани қувонч билан айтгим келади. Хўжалик суди ҳужжатлари мақомининг бугунги даражага кўтарилиши Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда суд ислоҳотларини амалга ошириш борасида қилинаётган ижобий ишлар самарасидир. Бир пайтлар давлат арбитражи томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларга бундай ҳуқуқий мақом берилишини тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Бу ҳужжатлар суд органи эмас, кўпроқ бошқарув, ижро органлари ҳужжати ҳисобланиб, уларга ҳозирги суд қарорларига бўлгани каби эътибор йўқ эди. Шунинг учун ҳам уларнинг аксарияти вақтида бажарилмас, ижросини эса ҳеч ким назоратга олмасди. Ўша пайтларда айрим арбитрлар ўзлари ҳал этган низолар бўйича қабул қилинган баъзи қарорларни ўзлари ёзмасдан, бу юмушни котибаларига топшириб қўйган ҳоллари ҳам кўп бўларди. Чунки у пайтлардаги арбитраж қарорларининг кўпчилиги мазмунан бир хил бўлиб, фақат даъвогар, жавобгарларнинг номи ва даъво суммаси ўзгарар, котиба қўлидаги қарор намунасига қараб ёзиб қўяверар, фақат охиридаги даъвогар ва жавобгарнинг номи ҳамда "ундирилсин" ёки "рад этилсин" деган сўзларга эътибор қилинарди, холос. Шунингдек, қарорнинг мазмуни, матни ҳам жуда қисқа бўлиб, айтарли 10-15 қаторлик жумладан ошмас эди. Балки шу боис айрим арбитрлар бир кунда 20-25 тагача низоли ишларни "кўриб", бир-икки кун ичида уларга оид қарорни ҳам жўнатишга улгуришарди. Яна шуни қайд этмоқчиманки, арбитражнинг барча ҳужжатлари, ҳатто вилоят ичидаги корхоналарнинг ўзаро даъволари бўйича юритиладиган ҳужжатлар ҳам фақат рус тилида юритиларди. Бу тилни яхши билмайдиган манфаатдор шахслар ушбу ҳужжатлар мазмунини тўлиқ тушунмас, у бўйича ўз фикрини эркин ифодалай олмасдан қийналишарди.

Республикамиз мустақилликка эришиб, хўжалик судлари ташкил этилиши муносабати билан вазият бутунлай ўзгарди. Эндиликда хўжалик судлари фаолиятида энг кўп қабул қилинадиган ва даъвони мазмунан ҳал этадиган ҳамда жамоатчилик ўртасида суд обрўсини кўтарадиган асосий ҳужжат ҳал қилув қарори ҳамда қарор саналаётгани кишини қувонтиради. Шу ўринда айрим мулоҳазаларни билдиришни истардим.

Хўжалик процессуал кодексининг 18-боби ҳал қилув қарорига бағишланган бўлиб, унда бундай қарорни қабул қилишда ҳал этиладиган масалалар, унинг мазмуни, кучга кириши ва бошқа муҳим қоидалар кўрсатиб ўтилган. Олий хўжалик суди кейинги йилларда суд қарорларига оид икки марта Пленум қарори қабул қилганлиги бежиз эмас. Олий хўжалик суди Пленумининг 1996 йил 1 мартдаги **"Суд қарорлари ҳақида"**ги ва 2007 йил 15 июндаги **"Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида"**ги қарорлари шулар жумласидандир. Бу муҳим ҳужжатларга мувофиқ қарорни қабул қилишда қўйиладиган биринчи талаб унинг қонуний ва асосли бўлиши, моддий ва процессуал қонунчилик нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши лозимлигидир. Бошқача айтганда, текширилмаган, юзаки текширилган ёки исботланмаган ҳолатлар бўйича суд қарорини қабул қилиш мумкин эмас, у иш ҳолатлари ҳақидаги тахминлар бўйича ҳам қабул қилинмаслиги лозим.

Суд қарори расмий ҳужжат бўлгани учун унинг матни, албатта, расмий тилда, кўпинча давлат тилида ёзилиши керак. Маълумки, қарорнинг кириш қисмида ишни кўраётган суднинг номи, унинг таркиби, иш кўрилаётган сана, унда иштирок этувчи шахслар номи, суд мажлисида ҳозир бўлган шахсларнинг исм-фамилиялари ва ваколатлари кўрсатилади. Бунда улар қисқартирилмасдан, расмий ҳужжатларда қандай ёзилса, шундай ёзилиши керак. Масалан, судда қатнашаётган тарафлардан бири очиқ ҳиссадорлик жамияти бўлса, қарорда унинг номини қисқартириб ОҲЖ деб эмас, тўлиқ ёзиш жоиздир. Суд қарорининг санаси ва кишиларнинг исм-фамилияларини ёзишда ҳам ўзбек тили грамматикаси қоидаларига эътибор қилиш шарт, акс ҳолда чалкашликлар юзага келиши ҳам ҳеч нарса эмас.

Суднинг ҳал қилув қарори ишни кўриш тўғрисидаги суд мажлиси тугагандан сўнг алоҳида хонада қабул қилинади. Ҳар бир қарор хатосиз, оддий, содда, ҳамма учун тушунарли, равон тарзда, аниқ ифодаланиши ва уни корхона раҳбари ёки ҳуқуқшунос мутахассиси ёхуд ҳисобчиси, оддий ишчиси, хуллас ким ўқишидан қатъи назар, бирдай тушунарли ва ишонарли бўлиши лозим.

Ёш ҳамкасбларим учун алоҳида таъкидлардимки, юртимиз тадбиркорларининг хорижлик сармоядорлар билан иқтисодий алоқалари йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётганлиги баробарида хўжалик судлари кейинги йилларда хорижий корхоналар ва сармоядорлар иштирокидаги ишларни ҳам кўрмоқда. Шу ишларга боғлиқ қарорларни ёзишда хорижий корхоналарнинг номлари қайси тилда, қандай аталса суд қарорларида ҳам шундай ифодаланиши даркор. Корхона номини таржима қилиб ёзиш мумкин эмас. Суд қарори шу судья ва бутун суднинг ишини, малакасини баҳолаш билан бирга жамоатчилик олдида уларнинг обрўсини кўтарадиган асосий мезон ҳисобланади. Чунки, кўпчилик ишни кўриб чиққан судни билмаслиги ёки судьяни танимаслиги мумкин, лекин одамлар улар чиқарган қарорнинг қонунийлиги, мазмуни, асослилиги ва савод билан ёзилганлигига қараб мазкур суд ва судья ишига баҳо беради. Бир ўйлаб кўринг-а, шунчалар нуфузга эга бўлган суднинг қарори грамматик ва орфографик хатолар, узуқ-юлуқ, тушунарсиз жумлалардан иборат бўлса, уни ўқиганлар нима дейди, унинг тарбиявий аҳамияти қандай бўлади? Шу боис ҳар бир судья ўзи қабул қиладиган қарорнинг пухта, саводли ёзилиши ва қонуний бўлиши, имловий хатоларга йўл қўймаслик учун ҳаракат қилиши шарт. Шундагина хўжалик судлари қарорига ҳурмат ва умуман, ушбу суднинг жамиятдаги обрўси янада ортади. Шунга боғлиқ равишда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда, тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилишда олиб бораётган ишлари янада салмоқли ва фойдали бўлади.

Мирза ТУРСУНОВ,
Қашқадарё вилояти хўжалик суди судьяси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист

Камчиликлар рўй-рост айтилди

СИРДАРЁ вилояти ички ишлар бошқармаси томонидан кенг аҳоли ўртасида доимий тарзда олиб борилаётган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги тарғибот тадбирлари сони яна биттага кўпайди.

БОШҚАРМА саъй-ҳаракатлари ўлароқ, **"Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари"** мавзуида ўтказилган семинар фикримизнинг тасдиғидир.

Вилоят адлия бошқармаси, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Сирдарё вилояти бўйича ҳудудий вакили, Жиноят ишлари бўйича вилоят суди, Адвокатлар палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси раҳбар-ходимлари иштирок этган мазкур анжуманда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг роли ва улар томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида кенг сўз юритилди.

Таъкидлаш жоизки, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Олимжон Абдуллаевнинг мавзу юзасидан қилган маърузасида амалга оширилган ишлар салмоғи келгусидаги фаолият, камчиликлар рўй-рост айтиганлиги қатнашчиларни яна бир бор мулоҳазага ундади.

Шуҳрат АЛИМОВ,
Сирдарё вилояти ИИБ бўлим бошлиғи

Репродуктив саломатлик

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2009 йил 1 июлдаги "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги Қарори аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш йўлида муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Оила баркамоллиги

жамият ривожига хизмат қилади

ТОШКЕНТ вилояти адлия бошқармасида бўлиб ўтган тадбир мақсади ҳам юқоридаги Қарор ижроси таъминланишига қаратилди.

Адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Г. Исаханова йиғилиш қатнашчиларининг эътиборини жисмоний ва маънавий баркамол авлодни ўстириш, бу борада олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиб, муаммоларни бартараф этиш мақсадида аниқ талаб ва таклифларни киритиш масаласига қаратди.

— Ногирон болаларнинг туғилишига ирсий касалликлар, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, гиёҳвандлик ва носоғлом турмуш тарзи, оналарнинг соғлиғини тиклаб олиш учун туғуруқ оралиғидаги муддатга амал қилмаслик каби ҳолатлар асосий сабаб бўлади, — деди Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Д.Якубова маърузасида. — Республикамизнинг чекка ҳудудларидан бирида хизмат сафарида бўлганимизда, бир оиланинг уч нафар ногирон фарзанди борлиги, уларнинг онаси яна фарзанд кутаётганлигини кўриб, ачинишни ҳам, афсусланишни ҳам билмай қолдик. Сабаби текшириб кўрганда, ота-оналардан бирида ирсий касаллик мавжудлиги, улар фақат шаръий никоҳ асосида яшаётганлиги маълум бўлди.

ФҲДЁ бўлимларида никоҳлари қайд этилган йигит-қизлар тиббий кўрикдан ўтиш даврида ўз соғлиқларини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш баробарида келгуси авлодларининг соғлом, баркамол инсон бўлиб етишишини таъминлайди. Фарзандларимиз бахт-саодати дабдабали тўйу томошалар, сандиқ тўла сарполар билан эмас, уларнинг сиҳат-саломатлиги билан ўлчанишини унутмаслигимиз лозим. Орамизда ҳануз ўғил-қизларининг соғлиғига эътибор беришга вақт тополмайдиган лоқайд ота-оналар, қонун талабларига риоя этмасдан, шаръий никоҳ ўқийдиган сохта муллалар учраб турибди. Демакки, аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлаш борасидаги фаолиятимиз янада кўпроқ бурч ва масъулият, кенг аҳоли ўртасида янада самаралироқ тарғибот-ташвиқот талаб этади.

Дарҳақиқат, жорий йилда мамлакатимиз раҳбарининг аҳоли ўртасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш борасидаги 2 та Қарорининг қабул қилиниши бежиз эмас. Зеро, фарзандлари баркамол давлат кучли бўлади.

Малика ШАРИПОВА,
Бекобод шаҳар ФҲДЁ бўлими мудири

Фарзанд тарбияси

кечиктириб бўлмайдиган вазифа

МАМЛАКАТИМИЗДА соғлом оилани шакллантириш, аҳоли ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёш авлодни жисмонан соғлом қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2009 йил 13 апрелдаги **"Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги ҳамда 2009 йил 1 июлдаги **"2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"**ги Қарорларида бу борада амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар белгиланган.

Ушбу қарорларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб Жиззах вилояти адлия бошқармаси томонидан бир қатор ишлар қилинмоқда.

Яқинда вилоят ҳокимлигида анжуман бўлиб ўтди. Анжуманни вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси Шаҳло Аҳророва бошқарди.

Тадбирда Адлия вазирлигининг бошқарма бошлиғи Дилбаҳор Якубова вилоят ва туманларда аҳоли ўртасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш масалаларини тушунтириш ва тарғиб қилиш катта аҳамият касб этаётганлиги ва Махсус жамоатчилик кенгаши фаолияти хусусида тўхталди.

Таъкидландики, вилоятда Президентимизнинг бу борадаги қарорлари ижроси юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурида турли идоралар ва ташкилотлар, бошқармаларнинг мутасадди ходимларидан иборат комиссия аъзолари ва масъул раҳбарлар зиммасига аниқ вазифалар юклатилган. Она ва бола саломатлигини асраш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш борасида жойларда кўчма семинарлар ўтказилиб, энг чекка қишлоқларга бориб хизмат кўрсатаётган тиббий бригадалар ташкил этилмоқда. Ҳар бир маҳалла қошида ишчи гуруҳлари тузилган бўлиб, ҳар бир оилада тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, туманлардаги қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам ўтказилган ўқув-семинарларида Президентимиз қарорларининг мазмун-моҳиятини ўрганиш, уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши борасида кенг жамоатчиликнинг иштироки муҳим ўрин тутишига эътибор қаратилди.

Шуни қайд қилиш жоизки, бу йўналишдаги тадбирларнинг чекка қишлоқларда таъсирчан, тушунарли тарзда ўтказилишига жиддий аҳамият берилаяпти. Аҳоли ўртасида ўзаро фикр алмашувларда қишлоқ врачлик пунктларининг умумий амалиёт врачлари, шунингдек, уй ҳамширалари, ота-оналар, ибратли хонадон бекалари қатнашиб, фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган "Оила университети" машғулотларини умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллаларда мунтазам йўлга қўйиш, бу ишга кенг жамоатчиликни доимо жалб этиб бориш, бу борада матбуотда кўпроқ чиқишлар қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Саидкул ШУКУРОВ,
Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Соғлом турмуш тарзи

авлодлар равнақи

МАМЛАКАТИМИЗДА оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ёш авлодни юқумли касалликларга қарши эмлаш ишларини изчил йўлга қўйиш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Пировардида оналар ва болалар ўртасида юқумли касалликлар ва ўлим ҳолатлари сезиларли камайди. Профилактика, диагностика ишлари такомиллаштирилганлиги боис кўплаб оғир хасталикларни ўз вақтида аниқлаш ва самарали даволашга эришилаётгани айни ҳақиқатдир.

Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги **"Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги ҳамда 2009 йил 1 июлдаги **"2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"**ги Қарорларида белгиланган йўналишлар бу борада дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш юзасидан амалга оширилган саъй-ҳаракатлар, жойларда мунтазам равишда ўтказиб келинаётган "Саломатлик ҳафталиги" тадбирлари эл саломатлиги муҳофазаси йўлидаги хайрли ишларнинг амалий тасдиғидир. Бу борада ФҲДЁ ходимлари зиммасига қатор вазифалар юклатилганки, улар ижросини таъминлаш ҳар биримиздан катта масъулият талаб этади.

Жойларда ўтказилаётган тадбирлар чоғида аёллар ва болаларга тегишли ҳуқуқ ва имтиёзлар, оналар ва болаларни соғломлаштириш, улар салоҳиятини ривожлантириш ҳамда рўёбга чиқариш бўйича шарт-шароитлар хусусида оддий, содда тилда батафсил маълумотлар беришга интилаяпмиз. Бу келгусида, албатта, ўз самарасини беради.

Сайёра ХОРИНОВА,
Зомин тумани ФҲДЁ ходими

Ворислик

Меҳр – бебаҳо қадрият

Ворисликни даъво қилиб, мерос талашиб юрган қариндошлар хусусида

— ЎҒЛИМ етимларнинг дилини оғритма. Булар ҳам жони жигарларинг, акангнинг зурриётлари. Унинг руҳини чирқиратма. Бир парча ер отангдан қолди. Кун келиб мендан ҳам, сендан ҳам қолади.

— Ёдингда тут. Кўзим тирик экан, набираларимни хор қилиб қўймайман, – дея ёши етмишга кирган онахон ўғлига насиҳат қилди. Бироқ кекса онасининг зорланишига қарамай, ўғил отамерос ҳовлидан улуш оламан, деб судма-суд югура бошлади...

Бугун айрим кимсалар мерос талашиб, ака-укадан, опа-сингилдан воз кечиб, юзкўрмас бўлиб кетаётгани бор гап. Лекин дунёда ҳамма нарсанинг чек-чегараси бўлгани каби, ворислик ҳамда меросниг ҳам ўзига яраша қонун-қоидаси, тартиби бор, албатта.

Амалдаги қонунчилик талабига кўра, меросга дахлдор бўлган фарзандлар мерос олишлари учун қатъий тартиб ва қоидага биноан олти ой муддат ичида нотариал идорага келиб, ёзма равишда оиланинг бирор бир вакили фойдасига меросдан воз кечганликлари ҳақида ариза беришлари керак. Агар белгиланган муддатда бу иш амалга оширилмаса, қонун бўйича мерос оила аъзоларига тенг бўлиб берилади.

Яна бир гап. Дейлик, ота-она ўз вақтида ФҲДЁ бўлимидан рўйхатдан ўтмаган. Бошқача айтганда, ўзаро никоҳларини қонунлаштирмаган. Бундай ҳолатларда ота ёки она ҳаётдан кўз юмгандан кейин фарзандлар қонуний мерос ҳуқуқини қўлга киритиш учун сарсон бўлишади. Бундан ташқари, илгари қишлоқларда хўжалик ёки қишлоқ фуқаролар йиғининг қарори билан кифояланиб, ўз ҳовли-жойларига эгалик ҳуқуқини тасдиқлаб, кадастр ва шунга ўхшаш ташкилотлардан ўз вақтида расмийлаштирмаганлик ҳоллари учраб туради. Бундай ҳолатларда ҳам амалдаги қонунларга бефарқ қараш жабрини уларнинг зурриётлари тортиб, отамерос ҳовли-жойларини қонуний ҳужжатлаштириш учун мутассадди ташкилотларга мурожаат қилишга мажбур бўлишади.

Қонун — бу қонун. Уни ҳеч ким буза олмайди. Айрим ҳолларда нотариат ходимлари фуқаролардан мерос ёки ворислик ҳуқуқига оид ҳужжатларни талаб қилишса, ноўрин норози бўлишади.

Айтайлик, баъзи ноинсоф фарзандлар данғиллама иморатлари бўла туриб, қўли калта, баъзан ногирон оға-инилар билан мерос талашиб юришади. Тўғри, қонун бўйича ҳар бир фарзанд ота-онасидан кейин меросга эгалик қилиш ҳуқуқига эга. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди. Лекин дунёда меҳр-мурувват, инсоф ва диёнат деган тушунчалар ҳам бор-ку? Гоҳида ҳайрон қоласан киши. Бир қориндан талашиб тушган, бир кўрпада катта бўлган, бир ота, бир онанинг фарзандлари ворисликка даъво қилиб, мерос талашиб, бир-бирини ҳақоратлаб, бир-бирларига душман бўлиб қолишади. Бу эса ўз навбатида оға-инилик, қариндошуруғлик риштасига салбий таъсир қилади. Шоир айтганидек, **"бу фоний дунёда топилади молдунё, келмай қолмас омад ҳам"**. Лекин иззат-ҳурмат, меҳр-мурувват, қадр-қиммат, қавму қариндош, ака-ука, опа-сингиллик меҳри каби бебаҳо қадриятларни топиб бўлмайди.

Дилшод ЭШНИЁЗОВ,
Қўшработ тумани давлат нотариал идораси нотариуси



Фириби фош бўлган фирибгар

фош этилгунча анча одамни чув туширди

ТЎХТАСИН МАЛИКОВ (исм-шарифлар ўзгартирилган) муқаддам икки маротаба судланган. Аммо у ўзига берилган жазо ва давлатимиз томонидан берилган имкониятдан тўғри хулоса чиқармаган кишилар сирасига киради.

Унинг навбатдаги найранги эса ҳаммасидан ошиб тушди.

...ЎШАНДА ёз охирлаб, сунбуланинг салқин ҳавоси кезарди. Бу йил роппароса 90 ёшни қаршилаш остонасида турган Фароғат хола яшашдан ҳали умиди бўлса-да, "катта маърака"га нимадир йиғиб қўйишни дилига тугди. Тўғри-да, эскилар ўлимни қош билан қовоқ орасида, деганлар... Фароғат хола бу борада фарзандларини, яқинларини ташвишга қўймоқчи эмас, "тишининг ковагида асраб юрган" 70 килограммча ёнғоғи бор, шуни сотса, кунига яраб қолар...

Хўш, бу борада унга ким ёрдам беради? Албатта, Тўхтасин-да... Икки марта судланган, номи ёмонотлиққа чиққан бўлса ҳам ўз жигари, набираси-ку?! Хола набирасига мақсадини айтди.

— Шуни сотиб берсанг, сени дуо қилардим, болам.

— Майли, — деди Тўхтасин. Унинг юзидан бу юмушга розилигини ҳам, норозилигини ҳам сезиш қийин эди. — Бухорога олиб бораман. Ўша ёқларда ёнғоқ қиммат бўлади, деб эшитганман.

— Қаерда сотсанг, ўзинг биласан... — Фароғат холанинг кўзларига ёш қалқди. — Яхши бориб келсанг бўлди.

Тўхтасин бувисининг 70 килограмм ёнғоғини Бухоро шаҳар деҳқон бозорида 210.000 сўмга сотди. Қўлига мўмайгина пул тушгач, Фарғонага қайтгиси келмай, Тошкентга йўл олди. Шу мақсадда Бухоро шаҳрида жойлашган "Бухоро — Тошкент" йўналиши бўйича қатнайдиган автоуловлар вокзалига борди. Бу ерда у "Нексия" русумли машина ҳайдовчиси Саидмурод Шаропов билан танишди. Ўзаро келишувга кўра, ҳайдовчи уни Тошкентга 120.000 сўм эвазига олиб бориб қўйишга ваъда беради.

— Аммо бир шарт бор, — дейди ҳайдовчи. — Бундан бир соатча олдин бир мижозим Тошкентга кетмоқчи бўлиб, менга учрашганди. Бироқ ҳисобсиз... — Негадир Тўхтасиннинг бахри-дили очилди.

Йўлга тушишди. Бухородан Навоийга кириб келиш чоғида машина бошқариб келаётган Саидмурод Шаропов қўли рул чамбарагида бандлиги боис, мижозига мурожаат қилди:

— Биродар, манави рақамга қўнғироқ қилсангиз. Малоҳат йўлга чиқиб турсин.

Малоҳат Қурбонова уяли телефон аппаратига бегона рақамдан кимдир қўнғироқ қилаётганига ажабланди. Бироқ, гўшакни кўтарди. Нотаниш суҳбатдош унга Саидмурод аканинг машинасида Навоийга кириб келишаётгани, агар Тошкентга кетиш нияти бўлса, йўлга чиқиб туриши кераклигини айтди. Малоҳатни белгиланган жойдан олиб, Тошкентга жўнашди. Ўзини анча эркин тута бошлаган Тўхтасин Малоҳатга ўзини имконияти кенг, абжир, ҳар нарсада ўктам қилиб кўрсатди. Ҳатто божхона постидан ўтаётганларида ўзини миллий хавфсизлик хизмати ходими сифатида таништирди. Ниҳоят, Тошкент шаҳрининг "Чилонзор буюм бозори"га етиб келишгач, Тўхтасин Малоҳатга ўзи билан бирга кетиш таклифини билдирди. Аёл бу таклифни рад этди. У ўша кеча дугонаси Назокатнинг уйида тунаб қолди. Эртасига соат тахминан 12.00 ларда унинг уяли телефонига Тўхтасин қўнғироқ қилиб, учрашиш нияти борлигини айтди. Малоҳат бу гал рози бўлди. Улар "Оққуш" кафесида тушлик қилишди.

— Тўғрисини айтсам, — дейди Тўхтасин "шайтон суви"дан хўплаб олгач, ўпкаси тўлиб, — мен тақдиридан қуйган бир бечораман. Турмуш ўртоғимнинг хиёнати туфайли ажрашганман...

— Хафа бўлманг... — Малоҳатнинг қалбида Тўхтасинга нисбатан хайрихоҳлик уйғонганди. — Бир чораси топилар, менинг сизга тақдирдош опам бор. Истасангиз учраштириб қўяман.

Малоҳат тавсия қилган аёл, яъни унинг опаси Кокила Тўхтасинга маъқул келмади. Аммо ҳотамтойлиги тутиб, уларга ижара уй топиб берди. Бу орада "қаҳрамон"имиз аёлларнинг ишончига кириб бўлганди. У Малоҳат Қурбоновага тегишли 100 АҚШ долларини, баҳоси 100.000 сўмлик "NOKIA" русумли уяли алоқа аппаратини, "қўнғироқ қилиб оламан", деган баҳонада олиб, жуфтакни ростлаб қолади...

Тўхтасин Маликовнинг жиноий фаолияти бу билан чекланиб қолган эмас. У товламачилик орқали ўзганинг мулкига эгалик қилиш ниятида Малоҳатга, унинг яқин қариндошларига қўнғироқ қилиб, "у билан зинога қўл урганман", деб қўрқитиш эвазига яна 5.000 АҚШ доллари талаб қилади. М.Қурбонова асл қиёфаси фош бўлган фирибгарнинг беномусларча билдирган таклифини рад этгач, Малоҳатнинг онаси Сайёра Бегматовага қўнғироқ қилиб:

— Қизингиз мен айтган пулни бермаса, эртага эрига қўнғироқ қиламан, оиласини бузиб юбораман, — дея дўқ-пўписа қилади...

Суд фуқаро Тўхтасин Маликов томонидан содир этилган жиноят тафсилотларини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, ҳукм эълон қилди. Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор, деб топилган Тўхтасин 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ҳамро БЕРДИҚИЛИЧЕВ,
жиноят ишлари бўйича Яккасарой тумани суди судьяси,
Хидирали ПАНЖИЕВ,
журналист

Туҳмат балосидан асрасин

Фахрийлар — фахримиз

Ҳалоллик ва фидойилик

вазифаси мезонига айланган инсон

У танлаган касб ҳалолликни, бир инсонга етиб, ҳатто ортиб қолар даражадаги масъулиятни талаб этарди. Адолат ҳаёт йўлининг ҳамроҳу ҳамрозига айланиши кераклигини истарди. Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, адолат ва холислик тамойилини олий даражага кўтариш каби улкан залворли юмуш... Буларнинг барчасини бажариш, унга амал қилиш бир инсон тақдирини, умр мазмунини белгилаб берди.

БАҲОДИР ОЛИМЖОНОВ ҳуқуқшунослик соҳасини танлади. Оддий хизматчи оиласида вояга етган бўлса-да, тиришқоқлиги ва зийраклиги эвазига дастлаб Ўрта Осиё Давлат университетининг юридик факультетига ўқишга киради. 1950 йили эса ўқишни М.В.Ломоносов номли Москва Давлат университетида давом эттириб, муваффақиятли тамомлайди.

Айни навқирон даври 24 ёшида Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси умумий назорат бўлимининг прокурори лавозимига ишга келиб, берилган вазифага масъулият билан ёндашишни ўзига шиор қилиб олди. Ҳалоллик ва фидойиликка амал қилиш ота-онасининг ўгити эканлигини унутмади. Танлаган соҳаси қатъияту қаттиққўлликни талаб этса-да, унинг учун энг аввало, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш олий мақсад бўлиб қолаверди. Ўз саъй-ҳаракати, ишнинг кўзини билиши, ситқидилдан хизмат қилиши эвазига давр талотўмларини енгиб ўтишга куч топа олди. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси кадрлар бўлимининг бошлиғи вазифасида ишлаганида ҳам, Фарғона вилояти прокурори бўлганида ҳам аслида муқаддас саналган туйғуларига дахл қилмади. Сабаб оддий. Фидойилик ва ҳалоллик. Йилдан-йилга мартабаси ҳам одамлар орасидаги ҳурмати ҳам ошаверди. Айниқса, Баҳодир Олимжонов 5 йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири вазифасида фаолият юритган дамларда собиқ тузумнинг ўзига хос ўйинларидан бири бўлган иккинчи раҳбарнинг Москвадан олиб келиниши, бошқарув сиёсатидаги ўзга халқларни камситишга қаратилган мезон уни ҳамиша таажжубга солар, нима бўлган тақдирда ҳам жойларда ҳуқуқ-тартиботга амал қилиш, ягона давлат сиёсати, қонун устуворлигини таъминлаш борасида самарали меҳнат қилди. Бир сафар Самарқандга борганида кўпчилик "Наҳотки, вазир билан учрашдик. Наҳотки, вазир ҳам одамларнинг дарди билан қизиқиб, улар билан юзма-юз суҳбат қилса..." дея ҳайратини яшира олмади. Дарвоқе, бу инсон эл билан беллашиш эмас, эл билан тиллашиш кераклиги борасида кўпчилик раҳбар кадрларга ўрнак бўлди.

— У даврларда ишлаган, ўқиган йигит ва қизларнинг барчаси онгига собиқ тоталитар тузумнинг ғоялари сингдирилар эди. Фақат бир мафкурага хизмат қилишга, унга бўйсунишга мажбур қилинарди. Бугун эса бошқа замон, ўзингда эркинлик бор. Ўз фикринг, дунёқарашинг билан ҳисоблашадиганлар бор. Бировга тобе бўлиш, ўзганинг фикри билан яшаш, ишлаш нақадар оғир эканлигини мана бизлар яхши биламиз. Бу кунларга шукур қилиш керак. Берилган имкониятларни, яратилган шароитларни кўриб кўзинг қувонади, Президентимиз айтганларидек, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган шу элга, шу ватанга хизмат қиладиган замонлар келди.

Бугунги мунаввар кунлар, шукуҳли дамлар ҳақида самимият билан тўлқинланиб гапираётган инсон, узоқ йиллар мобайнида масъул идораларнинг раҳбари бўлиб ишлаб келган, юзлаб шогирдларни тарбиялаб вояга етказган Баҳодир Олимжонов бугун 80 ёшни қарши олмоқда.

Йилларни ортга сўриб бўлмайди. Кунлар ўтаверади. Фақатгина ортингда қолган ишларнинг сарҳисоби эсланар экан, холос. Бугун фарзандларнинг, невараларнинг ардоғида бўлган, шу кунларга етказганига шукр қилиб, умргузаронлик қилаётган қаҳрамонимизнинг ҳали орзу-умидлари мўл.

Илло умри бундан-да узоқ, файзли бўлсин.

Дилфуза ЭРГАШЕВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2009 йил 25 сентябрь кунги қарори ва бошқарма бошлиғининг 2009 йил 25 сентябрь кунги №67-ум сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "Аман" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Сафаров Абдураҳмон Мухтарович номига Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан 2009 йилнинг 12 июнь куни берилган SA 000241-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

Мурожаат учун манзил: Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 12-уй.

Маълумот учун телефонлар: (8-366) 233-71-57, 233-13-59

ҚОНУН — белгиланган меъёрлар мажмуидир. Унга барча бирдек амал қилиши керак. Акс ҳолда мувозанат бузилади, одамлар ишончига путур етади, адолатсизлик ортидан манфаатпарастлик кучаяди. Бу ҳолга чек қўйиш эса ҳуқуқ-тартибот идораси ходимларининг жамият олдидаги муҳим вазифаси ҳисобланади.

Қонунни четлаш учун қинғир ишнинг минг битта тешигига бош суқиб йўл излагувчилар ҳаракатидан кўп бора воқиф бўлганмиз. Улар жиноятига яраша жазо олганини эшитганмиз. Аммо қонунни ҳимоя қилиши, инсон манфаатларига хизмат қилиши, адолат тамойилини олий мақомга кўтариши лозим бўлган одамлар, аниқроғи сиз ва биз ҳақиқат излаб борадиган даргоҳ судьясининг қора қилмиши барчани ҳайратга солади.

Жиноятга жазо муқаррар

ОЛТИН ТАРОЗИНИНГ НОБОП ПАЛЛАСИ

3 йил давомида ФИБ Шаҳрисабз туманлараро суди судьяси лавозимида ишлаган Олим Шаропов бугун 10 йиллик муддатли қамоқ жазосини ўтамоқда

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судида 4 млн. сўмни пора тариқасида олган судья устидан жиноят иши кўриб чиқилди. Унда фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманлараро суди судьяси лавозимида 2006 йилдан буён ишлаб келган Олим Шароповнинг фуқаролар А. Қосимов ҳамда С. Бойназаровалар ўртасидаги низоли уй-жой масаласидаги тортишувлари судьянинг касбига, жамият олдидаги бурчига хиёнатини кўрсатди.

Воқеа аслида бундай бошланган. Туман ҳокимининг Шаҳрисабз шаҳри, Асби Жаллоб кўчасидаги низоли ҳисобланган 20-а уйга нисбатан фуқаро А.Қосимовга эгалик ҳуқуқини белгиловчи қарори чиқади. Ўз навбатида қарордан норози томон, яъни фуқаро С.Бойназарова судга мурожаат қилади. Иш кўрилади, чиқарилган қарор ноқонуний деб топилиб, ФИБ Қашқадарё вилояти судининг ҳал қилув қарори ҳамда шу суднинг кассация инстанцияси ажрими билан бекор қилинади. Бироқ, нима учундир "қилни ҳам қирқ ёрадиган" судья О.Шаропов бу ҳолатни била туриб ҳам А.Қосимов ариза бериш ваколатига эга бўлмаса-да, ушбу ишни ғайриқонуний равишда ўз истагига монанд кўриб, С.Бойназаровани уй-жойдан мажбурий кўчириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради.

Чигалликни бошлаган судьянинг қароридан норози бўлган Сабоҳат Бойназарова яна шикоят ёзишга киришади. Аммо унинг шаштини қайтариш "қози домла" учун чўт эмас эди. Аризачига аризани қайтариб олиши ва ўзи янги ҳолат бўйича иш кўриб, уй-жойга эгалик ҳуқуқини тиклаб бериши ҳақидаги уйдирмани тўқийди.

— Сиз шикоятдан воз кечинг. Мен сизга эгалик ҳуқуқини тиклаб бераман, — дейди судья Сабоҳатни чақириб. — Фақат озгина харажати бор. Шундан қочмасангиз, олам гулистон.

— Айтинг, — дейди С.Бойназарова.

— Тўрт миллион сўм олиб келасиз, — деди судья Шаропов бамайлихотир.

Судьядан 10 кун муҳлат сўраган Сабоҳат Бойназарова ўз уйи томон йўл олар экан, шунча пулни қандай топишини, қарз-ҳавола қилиб топганида ҳам судьянинг сўзларига ишониш ёки ишонмасликни ўйлаб, боши қотарди.

Нима учун ҳаққонийлик учун пул тўлаши лозим? Нега адолатни сотиб олиши керак? Бугунги таъмагирликни эртага бошқа бирор муҳтожга қилмайди, деб кафолат бериб бўладими? Сабоҳат ўйлай-ўйлай, охири ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилди.

Эртами-кечми ҳақиқат юзага чиқиши аниқ. ФИБ Шаҳрисабз туманлараро суди судьяси О.Шароповнинг иши воқеа жойида далилий ашёлар билан исботланди. Унга Жиноят кодекси 210-моддаси 3-қисмининг "б" бандига асосан 10 йилга озодликдан маҳрум қилиш ҳамда Жиноят кодексининг 45-моддасига асосан муддати 2 йилга муайян ҳуқуқдан, яъни мансабдорлик ва моддий жавобгарлик фаолиятлари билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш бўйича қўшимча жазо тайинланди.

Ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун судья Шаропов жазога тортилди. Аммо мулоҳаза қилиб кўрсак, қонун посбонининг таъмагирлигига йўл очиб берган ушбу можаро илдизи биз ўйлаганимиздан кўра чуқурроқ кўринади. Биз фуқаролик ишлари нима учундир кўп бор кўрилишига, биринчи инстанция судининг қарорлари юқори турувчи суд инстанцияларида кўрилиб, инкор қилинишига, пухта кўрилмасдан узоқ давом этишига кўникиб қолганмиз. Бунда судларнинг йўл қўйган хатолари кўрсатилади-ю, бироқ хатога йўл қўйган судьяга нисбатан бирор чора кўрилгани ҳақида хабар берилмайди.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган, жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судида кўрилган собиқ судья Олим Шароповнинг жинояти ҳам айнан ана шундай, бир неча бор судларда кўрилган, йиллар давомида ҳам аниқ, бир тўхтамга келинмаган фуқаролик иши сабаб бўлган.

Тасарруфимиздаги маълумотларга эътибор қаратамиз: С.Бойназарова 2005 йилда биринчи марта низоли уй масаласида ФИБ Шаҳрисабз туманлараро судига мурожаат қилади. Иш кўрилиб, унинг фойдасига қарор чиқарилади. 2006 йил март ойида эса А.Қосимов кассация тартибида шикоят беради, иш кўрилади. Суд ўз қарорини бекор қилади ва энди уйни А.Қосимовга тегишли деб белгилаб беради.

Шундан сўнг Бойназарова ФИБ вилоят судига шикоят килади, вилоят суди уйнинг дастлабки эгаси Р.Норқуловга тегишли деб қарор чиқаради. Яна А.Қосимов шикоят бергандан сўнг эса вилоят суди ишни қайта кўриб, Р.Норқуловнинг эгалик ҳуқуқини бекор қилади. Уй ҳеч кимнинг эгалигида қолмайди.

Яна туман судига янги даъво аризаси топширилади. 2007 йилда ишни О.Шаропов кўриб чиқади. Занжир шу зайлда давом этаверади.

Битта муаммонинг неча бор ўртага ташланиб, судлар эшиги олдида ўтган кунлар ҳисобини санаб бўлармикин? Шунча йиллар давомида ечимини кутиб турган муаммога нуқта қўйилмаётганидан, чиқарилган ажрим ва қарорларнинг пухта тайёрланмаганидан ажабланмаяпсизми? Ахир судьяларнинг вазифаси муаммоларга барҳам бериш, чигалликни ечиш, низоларни бартараф этиш, ҳар бир ишга пухта ёндошиш эмасми?

Биз судларни адолат посбони, ҳақиқат мезонини ўлчагувчи олтин тарозига қиёслаймиз. Тарози палласидан мувозанат йўқолса, жамиятда мувозанат йўқолганидан далолатдир. Илло, шунисидан асрасин.

Аслиддин СУЮНОВ,
журналист

Манбаа: region.uz

Гаров шартномаси

Қудалар нега аразлашди?..

Гаров шартномаси қоидасига риоя қилмасликнинг ҳунук оқибатлари

КЎЧАДАН асаби бузилиб қайтган хонадон соҳиби болаларининг саломига ҳам алик олмай, уйга кириб кетди. Зум ўтмай хотинини чақирди.

— Ўғлинг қани, чақир менга.

Эрининг жазавасидан саросимага тушган аёл бир муддат ўзини йўқотиб қўйди. Сўнг ўғлининг ишда эканлиги ёдига тушиб, унинг йўқлигини айтди. Шунда аламига чидай олмаган ота дардини ёрди.

— Мен лақма бўлмасам, боламнинг гапига кириб, яп-янги "Нексия"мни қудамнинг кредит олиши учун гаровга қўяманми?

Ахир, автомашинани қандай қийинчиликлар эвазига олганман? Қиш қаҳратонида, саратон жазирамасида меҳнат қилиб, унга эришгандим. Менинг елкамга ҳам офтоб тегсин, одамлардек машина минай, деб ният қилгандим. Ҳамма орзу-умидларим саробга айланди. Банк ходимлари гаровга қўйилган "Нексия"мизни сотиб, қудангнинг кредитини ёпармиш.

Банк бошқарувчисининг олдига бир эмас, уч-тўрт марта кирдим. Машина меники, кредитни қудам олган, дедим. Фойда бермади. "Сиз ўз ихтиёрингиз билан "Нексия"нгизни кредит учун гаровга қўйгансиз. Қонун бўйича мижоз олган қарзини тўламаса, гаровга қўйилган буюм банк ихтиёрига олиниб, кредит қопланади. Гаров шартномасига имзо чекаётган пайтингизда сизга ҳамма қонун-қоидалар тушунтирилган. Шу сабабли мен сизга ҳеч қандай ёрдам бера олмайман", дейди банк ходими.

— Емаган сомсага пул тўлаш, деб шуни айтсалар керак-да! Ўшанда нотариус йигит имзо чекаётган пайтимда айтгандия, эътибор қилмаган эканман. Гаров шартномасига имзо чекаяпсиз, худо кўрсатмасин, эртага мабодо олинган кредит пули тўланмаса, гаровга қўйилган машинангиздан айрилиб қолишингиз ҳеч гап эмас. Мен сизни фақат огоҳлантираяпман. Яна ўзингиз биласиз, деб...

Қудачилик — минг йилчилик, қудаси борнинг худоси бор, деган андишага бориб, бундан ташқари, қудамнинг хотирингиз жам бўлсин, ҳаш-паш дегунча кредитни ёпаман. Хориждан катта миқдорда мол келади, деган гапига ишонибман.

Дарҳақиқат, бугун айрим кишиларимиз ҳаётимиздаги мавжуд қонун-қоидаларни яхши билмаганликлари туфайли, керак пайтда ҳуқуқшунос маслаҳатига ҳам кирмасликлари боис нохуш ҳолларга тушиб қолмоқдалар.

Гаров шартномасининг тартиб ва қоидалари бор. Қонунда аниқ ва равон қилиб гаров шартномаси ҳақида **"Гаров деганда бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулки ёки унга бўлган ҳуқуқи мажбуриятларининг берилиши гаров ҳисобланади"** деб ёзиб қўйилган.

Афсуски, айрим содда одамлар бировларнинг ҳавойи гапларига ишониб, гаров шартномасига имзо чекиб, кўп ҳолларда ўзлари чув тушиб юрадилар. Оқибатда икки томоннинг муносабатларига дарз кетади. Айниқса, муросадаги кишиларнинг ўртасида қариндошчилик ришталари бўлса, ундан ёмони йўқ.

Юқоридагидек, қудасининг раъйини қайтара олмай гаровга ўз машинасини тикиб, бугун икки қуданинг юзкўрмас бўлишлари юқоридаги фикримизга ёрқин мисол бўла олади.

Бугун ҳар биримиз қонун нуқтаи назаридан иш кўриб, қадам боссак, асло янглишмаймиз.

Усмон ШАРИПОВ,
Нарпай тумани давлат нотариал идораси нотариуси

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2009 йил 24 сентябрь кунги №10-сонли ҳайъат қарорига асосан Самарқанд шаҳридаги **"BOG'ISHAMOL HIMOYACHILARI"** адвокатлик фирмаси тугатилиб, давлат рўйхатидан чиқарилди.

Мурожаат учун манзил: Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 12-уй.

Маълумот учун телефонлар: (8-366) 233-71-57, 233-13-59

Сирдарё вилояти адлия бошқармаси жамоаси Гулистон шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Шарапат Содиқовага турмуш ўртоғи **Олимжон ЭРКАБОЕВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Матрасулов Давлатназар Раҳимберганович
Тўраев Тўра Эргашевич
Сандов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАУПОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-915. Тиражи — 13145. Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 19.00 t — тижорат мақола.

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-iq.uz
1 2 4 5